ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРИМБЕТОВ РАХМАТУЛЛА ИБРАГИМОВИЧ

ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ШАРОИТИДА ШҲТ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 66:4(5)

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам

Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences

Нуримбетов Рахматулла Ибрагимович
Замонавий халқаро муносабатлар трансформацияси шароитида ШҲТ фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.....3

Нуримбетов Рахматулла Ибрагимович
Особенности деятельности ШОС в условиях трансформации современных международных отношений.....26

Nurimbetov Rakhmatulla Ibragimovich
Pecularities of the SCO's activity in the context of the transformation of modern international relations.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of Published Works 51

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРИМБЕТОВ РАХМАТУЛЛА ИБРАГИМОВИЧ

ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ШАРОИТИДА ШҲТ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Ss251 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rectorat@uwed.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Султанова Эътибор Сидиковна** сиёсий фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Жўраев Қодир Асадович** сиёсий фанлар доктори, доцент
	Норов Владимир Имамович юридик фанлари\ номзоди
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.11\30.12.2019.Tar\Yu\I\S\24.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «____»_____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй. Тел.: (99871) 267-67-69; факс: (99871) 267-09-00; e-mail: rectorat@uwed.uz).

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100077, Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй. Тел.: (99871) 267-67-69; факс: (99871) 267-09-00.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги ___- рақамли реестр баённомаси).

И.А.Хамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ю.ф.д., профессор

О.А.Юсупджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ю.ф.н.

Н.А.Касымова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро муносабатлар тез суръатларда ўзгараётган ва кўп қутблиликка асосланган дунё тартиботи шаклланаётган ҳозирги мураккаб даврда кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни мақсадли ривожлантириш, барқарор тараққиётни таъминлаш, инсон ҳаёти сифатини ошириш, глобал муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал қилиш каби муҳим вазифалар ечимини топишда минтақавий ва халқаро ташкилотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу жараёнлар тизимида Евроосиё миқёсида етакчи тузилмалардан бирига айланиб бораётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги пайтда ШҲТнинг глобал аҳамияти унга доимий аъзо бўлган 8 нафар давлатнинг улкан жўғрофий, демографик, иқтисодий, ҳарбий, сиёсий ва цивилизациявий салоҳияти билан белгиланади.

Халқаро муносабатлар трансформацияси шароитида халқаро ва айниқса, минтақавий ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида халқаро ташкилотлар, жумладан ШҲТнинг кўп қутбли дунё тартиботини шакллантиришга, янги турдаги халқаро меъёрлар ва тамойилларни ишлаб чиқишга, глобаллашув ва тез ўзгараётган геосиёсий муносабатлар тизимида давлатлараро ҳамкорлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг янги механизмлари ва форматларини жорий қилишга қўшаётган ҳиссасини ўрганишга қаратилган илмий изланишларга устувор даражада аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда охирги йилларда амалга оширилаётган тизимли ва прагматик ташқи сиёсат натижасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Кўптомонлама дипломатия янги поғонага кўтарилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз ШҲТ билан кенг қамровли ҳамкорликни янада фаоллаштирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан муносабатларни ривожлантириш - Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади. [1]

Шундан келиб чиқиб, ШҲТ маконида сиёсий, савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, янги халқаро транспорт йўлакларини шакллантириш, минтақалар ўртасида ўзаро боғлиқликни кучайтириш, трансчегаравий таҳдидларга қарши курашиш, унинг келажакдаги трансформациясига ижобий таъсир кўрсатиш, тузилманинг халқаро ва минтақавий фаолияти, унинг ичида ва атрофида кечаётган жараёнларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3807-сонли “Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқ

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

дипломатияси маркази ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ШҲТнинг Остона (2017 й.), Циндао (2018 й.), Бишкек (2019 й.), Москва (2020 й.) ва Душанбе (2021 й.) саммитларида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл хариталари” ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда мазкур иш муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” деб номланган устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги, хусусан, Марказий Осиёда минтақавий барқарорликни таъминлашдаги роли ва ўрнини илмий жиҳатдан ўрганиш ва очиб бериш мақсадида хорижий тадқиқот ва “ақл” марказлари, сиёсатшунослар, таҳлилчилар ва назариётчи олимларнинг илмий тадқиқотлари, Ўзбекистон ва хорижда чоп қилинган сиёсий-таҳлилий адабиётлар ўрганиб чиқилди.

Ушбу тадқиқотларни қуйидаги беш гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ тадқиқотчилари (А.Коэн, С.Блэнк, С.Арис, М.Фредхольм, М.Лубина, Р.Пантуччи, М.Лаумилин)[2] ШҲТнинг геосиёсий жиҳатларини ўрганишган. Унинг негизида ушбу ташкилот – бу Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ва Россия Федерацияси (РФ) томонидан Марказий Осиёда “янги тартибот”ни ўрнатиш мақсадида тузилган ташкилот, деган ғоя ётади.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилотини *хавфсизлик тузилмаси*, жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш тизимидаги механизмлардан бири сифатида таҳлил қилишган. Булар қаторига ғарблик олимлар Г.Вакер, А.Бэйлес, П.Дунай, Дж.Алисон, С.Лошелдерлар билан бир қаторда россиялик тадқиқотчилар Ю.Никитина, Д.Борисов, Д.Гордиенко, М.Троицки,

---

[2] Ariel Cohen. The Dragon Looks West: China and the Shanghai Cooperation Organization. The heritage Foundatioon. Report Asia. September 7, 2006 https://www.heritage.org/asia/report/the-dragon-looks-west-china-and-the-shanghai-cooperation-organization; Richard Bouche, Sean Roberts, Martha Olcott, Stephen Blank. The Shanghai Cooperation Organization: Is It Undermining U.S. Interests in Central Asia? Hearing before the Commission on Security and Cooperation in Europe one Hundred Ninth Congress Second Session, September 26, 2006. U.S. Government Printing Office Washington – 2008. ; Eugene B. Rumer. China, Russia and the Balance of Power in Central Asia. Strategic Forum. No. 223 November 2006. https://www.files.ethz.ch/isn/46312/SF223.pdf; Stephen Aris. Shanghai Cooperation Organisation: an Anti-western Alignment? CSS Analyses in Security Policy. No. 66, December 2009. https://css.ethz.ch/content/dam/ethz/special-interest/gess/cis/center-for-securities-studies/pdfs/CSS-Analyses-66.pdf; Contessi N. China, Russia and the Leadership of the SCO. A Tacit Deal Scenario. China and Eurasia Forum Quarterly. 2010. Vol. 8. No. 4. P. 101-123; Лаумулин М. ШОС - грандиозный политический блеф? Institut français de relations internationales. <http://www.ifri.org/downloads/laumullinrusse.pdf>; The Shanghai Cooperation Organization and Eurasian Geopolitics. New Directions, Perspectives, and Challenges. Edited by Michael Fredholm. NIAS Press. 2012, 304 pages; Michal Lubina. Russia and China: A political marriage of convenience – stable and successful. Opladen, Berlin & Toronto: Barbara Budrich Publishers, 2017. P.239; Raffaello Pantucci. The Dragon's Cuddle China's. Security Power Projection into Central Asia and Lessons for the Belt and Road Initiative. Essay from NBR Special Report no. 80. September 2019. Pages 51-69

Е.Колдунова, шунингдек хитойлик Пан Гуан, Ван Чаоцин ҳамда ҳиндистонлик Н.Дас Кундаларни киритиш мумкин. [3]

Учинчи гуруҳни ШҲТнинг институционал ривожланиш хусусиятларини ўрганган олимлар ташкил қилади. [4]

Тўртинчи гуруҳни ташкил этган сиёсатшунос олимлар ШҲТни *"янги минтақавийлик"* модели деб асослашга уринади. Ушбу ёндашувни шакллантиришда хитойлик олимлар Сунь Гуанджи, Пан Гуань, Пан Дапэнь, Ван Сиаоцуань ҳамда ҳиндистонлик олима К.Гупталарнинг тадқиқотлари ажралиб туради. [5]

---

[3] Gudrun Wacker. Die «Shanghaier Organisation für Zusammenarbeit» Eurasische Gemeinschaft oder Papiertiger? SWP-Studie 2001/S 22, August 2001, 41 Seiten; The Shanghai Cooperation Organization SIPRI Policy Paper No. 17 (2007). By Alyson J. K. Bailes, Pál Dunay, Pan Guang and Mikhail Troitskiy. https://www.sipri.org/sites/default/files/files/PP/SIPRIPP17.pdf; Bailes, A. J. K., Baranovsky, V. and Dunay, P., 'Regional security cooperation in the former Soviet area', SIPRI Yearbook 2007: Armaments, Disarmament and International Security (Oxford University Press: Oxford, forthcoming 2007), Pages: 165–92;
Д.А.Борисов. Эволюция политики безопасности Шанхайской организации сотрудничества (1996–2010 гг.). Автореф. дисс. канд. истор. наук. - Томск: Томский государственный университет, 2011. 27с; Д.В.Гордиенко. Шанхайская организация сотрудничества как площадка для диалога по вопросам региональной безопасности // Журнал Национальные интересы: приоритеты и безопасность. № 37 (2015) Стр.44-66. file:///C:/Users/r.nurimbetov/Downloads/shanhayskaya-organizatsiya-sotrudnichestva-kak-ploschadka-dlya-dialoga
Никитина Ю.А. ОДКБ и ШОС как модели взаимодействия в сфере региональной безопасности. Журнал «Индекс безопасности". 2011. №2(97). С.45-53; Колдунова Е., Дас Кунду Н. (2014) Роль России в ШОС и Центральной Азии: вызовы и возможности. Режим доступа: http://vid-1.rian.ru/ig/valdai/SCO_rus.pdf (дата обращения: 20.12.2017); Sarah Lohschelder. The Shanghai Cooperation Organization as a Multilateral Security Platform in Central Asia. Journal of Public and International Affairs 2017(1) P.101-120; Колдунова Е.В. Роль Шанхайской Организации Сотрудничества в регионе Центральной Азии: Сравнительный анализ исследовательских дискурсов. Сравнительная политика. 2013;4(2(12)):60-69. Ван Чаоцин. Дееспособность при сотрудничестве в области безопасности в рамках ШОС. Журнал "Теория и практика общественного развития" №2, 2018. С.: 54-59.

[4] Ambrosio T. Catching the "Shanghai Spirit": How the Shanghai Cooperation Organization Promotes Authoritarian Norms in Central Asia', Europe-Asia Studies, Vol. 60, no. 8 (2008). Pages: 1321–1344.; Stephen Aris. Russian-Chinese relations through the Lens of the SCO. Russie. Nei. Visions №34, Institut Français des Relations Internationales (Ifri), September 2008; Stephen Aris. A new model of Asian regionalism: does the Shanghai Cooperation Organisation have more potential than ASEAN? Cambridge Review of International Affairs Volume 22, 2009 - Issue 3. Pages 451-467; Марлен Ларуэль Себастьен Пейруз. Региональные организации в Центральной Азии: характеристики взаимодействий, дилеммы эффективности. Высшая школа развития. Институт государственного управления и политики. Университет Центральной Азии. Доклад № 10. 2013. https://www.ucentralasia.org/Content/downloads/UCA-IPPA-WP-10-RegionalOrganizations-Rus.pdf; Kaukenov A. Internal Contradictions of the Shanghai Cooperation Organization // Central Asia and The Caucasus. Volume 14 Issue 2 2013. pp.: 7-17; Anastassia Obydenkova, Alexander Libman. Autocratic and Democratic External Influences in Post-Soviet Eurasia (Post-Soviet Politics). Published March 31, 2015 by Routledge 204 Pages; Alessandra Russo & Andrea Gawrich. Overlap with contestation? Comparing norms and policies of regional organizations in the post-Soviet space. Volume 36, 2017 - Issue 3. Pages 331-352; M. Kaczmarski. Non-western visions of regionalism: China's New Silk Road and Russia's Eurasian Economic Union. International Affairs, Volume 93, Issue 6, November 2017, Pages 1357-1376; Roy Allison. Protective Integration and Security Policy Coordination: Comparing the SCO and CSTO. The Chinese Journal of International Politics, Volume 11, Issue 3, Autumn 2018 Pages 297–338; Барков А.В. ШОС. Московский журнал международного права. 2003г. № 1. Ст. 262 – 305; Шанхайская организация сотрудничества: структурное оформление и перспективы развития. Под ред. А.Орлова, А.Лукина. Аналитические записки МГИМО. Выпуск 2 (4). Февраль 2005. 31С.;; В.В.Воронович. Эволюция Шанхайской организации сотрудничества в контексте формирования азиатской системы безопасности. Журнал международного права и международных отношений. 2007. №2. https://elib.bsu.by/handle/123456789/21816;
Василенко В., Василенко В., Потеенко А. Шанхайская организация сотрудничества в региональной системе безопасности (политико-правовой аспект) Проспект, 2014.С192 //; А.Муратбекова. Кризис идентичности Шанхайской организации сотрудничества: что будет дальше? Кризис идентичности Шанхайской организации сотрудничества: что будет дальше? // Вестник международных организаций. 2019. Т. 14. № 4. С. 138–160

[5] Sun Zhuangzhi. New and Old Regionalism: The Shanghai Cooperation Organization and Sino-Central Asian Relations. The Review of International Affairs Volume 3, 2004 - Issue 4. Pp. 600-612; Пань Гуан. Что такое "шанхайский дух" 27.11.2008. http://www.infoshos.ru/ru/?idn=3296; Пан Дапэн. Роль ШОС во внешнеполитической стратегии Китая. 1 октября 2020. https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/rol-shos-vo-vneshnepoliticheskoy-strategii-kitaya/; SCO: A New Model for Close, Inclusive International Relations. view of Wang Xiaoquan, Executive deputy director, Secretary General Belt and Road Research Center under Chinese Academy of Social Sciences. http://www.chinatoday.com.cn/ctenglish/2018/hotspots/2018sh/2/201806/t20180611_800132521.html; Kanika Gupta. Global Politics And Theories Of Regional Organisations: Studying The Shanghai Cooperation Organisation from the new regionalism perspective World Affairs: // The Journal of International Issues. Vol. 20, No. 3 (Atumn (July-September) 2016), pp. 16-30.

Бешинчи гуруҳ вакилларининг тадқиқотлари ШҲТни *Евроосиёда кўп қутблиликка асосланган янги тартибот*ни шакллантириш механизми сифатида ўрганишга қаратилган. Нисбатан янги ҳисобланган ушбу ёндошув асосан россиялик сиёсатшунослар А.Лукин, С.Лузянин, С.Караганов Т.Бордачёв[6] ва бошқа экспертларнинг "Катта Евроосиё" концепциясининг таъсирида шакллантирилган, дейиш мумкин.

Ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ШҲТнинг кўпроқ минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш омили, Хитой ва Россиянинг мазкур тузилмадаги ёндошувлари ёритилган. Хусусан, таниқли олим А.Ходжаевнинг "Марказий Осиёда Хитой омили" деб номланган фундаментал асарида ХХРнинг минтақага нисбатан стратегияси таҳлили доирасида ШҲТнинг роли батафсил очиб берилган. Ф.Толипов ташкилотнинг минтақадаги геосиёсий жараёнлардаги ўрни, И.Бекмуратов, М.Шарипов ва А.Мухамеджановлар эса ШҲТнинг Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ролини ўрганишган. Тарихчи олимлар М.Рахимов ташкилотнинг институционал ривожланиш хусусиятларини, С.Рахимов эса Ўзбекистон-ШҲТ ҳамкорлигининг тарихий жиҳатларини ўрганишган.[7]

---

[6] Лукин А. Евразийская альтернатива Западу. Документ дня: ШОС в поисках новой роли. 10 июля 2015 //http://lenta.ru/articles/2015/07/10/shanghaiorg/; Караганов С. От поворота на Восток к Большой Евразии. Журнал Международная жизнь. 2017 (5). https://interaffairs.ru/jauthor/material/1847; Кортунов А.В. ШОС - камень, отвергнутый строителями новой Евразии? 14.05.2018. https://www.gazeta.ru/politics/2018/05/14_a_11750455.shtml; Лузянин С.Г. Россия – Китай: формирование обновленного мира: монография /отв. ред. академик В.С. Мясников. – М.: Издательство «Весь Мир», 2018. 328 с. http://www.ifes-ras.ru/images/abook_file/book-2018-luzyanin.pdf; Лукин А.В., Якунин В.И. Пути и пояса Евразии. Национальные и международные проекты развития на Евразийском пространстве и перспективы их сопряжения. – М.: Весь Мир, 2019. – 416 с.; В.А.Лукин. ШОС могла бы сыграть важную роль в сфере сопряжения Экономического пояса Шелкового пути и ЕАЭС. Агентство Синхуа. 2018-06-05. http://russian.news.cn/2018-06/05/c_137232321.htm; Сафронова Е.И. Российско-китайский диалог и «Большое евразийское партнерство»: новая идеология отношений? // Проблемы Дальнего Востока. 2019. № 4. – С. 174- 178; Ларин А.Г. Экономический пояс Шелкового пути»: экономическое содержание, структура, идеология // Новый Шелковый путь и его значение для России / ИДВ РАН. М.: ДеЛи плюс. 2016. С. 38–57; Кулинцев Ю.В., Сюцзэ Т. Трансазиатско-европейское экономическое партнерство как вариант сопряжения ЕАЭС и ЭПШП // Проблемы Дальнего Востока. – 2018. № 2. – С. 89-98.; .Кулинцев Ю.В., Петровский В.Е. , Ларионова А., Чай Юй (КНР), Ван Чэньсин (КНР), Цзян Цзин (КНР). Сопряжение ЕАЭС и ИПП: проблемы и перспективы // Аналитическая записка 29/2020. РСМД, КАОН. 2020. – С. 1-15.; Кулинцев Ю.В. Перспективные векторы развития ШОС// в контексте строительства Большого евразийского партнерства // Евразийское пространство: новые векторы и приоритеты /отв.ред.-сост. В.А.Матвеев. – М.: ИДВ РАН, 2020. – С. 43-53; Т.В. Бордачев, А.В. Казакова, А.С. Скриба. Институты для мира в Евразии. Журнал "Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика». 2016. Т. 11. № 2. С. 24–39. https://iorj.hse.ru/2016-11-2/186075392.html; Бордачев Т. В., Пятачкова А. С. Концепция «Большой Евразии» в повороте России на Восток. Журнал "Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика», 2018. Т. 13. № 3. С. 33–51. https://iorj.hse.ru/2018-13-3/228113698.html;

[7] Ходжаев А.Х. Китайский фактор в Центральной Азии. -Т.: 2020.; Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов/Central Asia: common interests. - Т.:Шарқ, 2005; Толипов Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации в Центральной Азии. -Т., 2005; Толипов Ф. Организация Центрально-Азиатского сотрудничества в Шанхайской организации сотрудничества - // Ситуация в Центральной Азии и Шанхайская организация сотрудничества: Тез.докл. межд. конф.-2004 //Китай (ШИМИ), 2004. - С. 285-305.; Толипов Ф. К вопросу о самостоятельности роли организации Центральноазиатского сотрудничества в рамках ШОС // Журнал Центральная Азия и Кавказ.,2004. - №3(33). – С.169-180.; Бекмуратов И.Н. Деятельность Шанхайской организации сотрудничества и процесс ее институционализации //Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук. Т., 2006; Шарипов М.Ш.Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг аҳамияти / сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2007.; Мухамеджанов А.Н. Шанхайская Организация Сотрудничества в системе современных международных отношений в Южной и Центральной Азии// автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук. Т., 2010.; М.А.Рахимов. Современные многосторонние отношения в Центральной Азии. Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан. Ташкент-2020 - 224 с.; С.Рахимов. История взаимоотношений Республики Узбекистан с международными и региональными организациями (на примере СНГ и ШОС) автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по историческим наукам. Т., 2020.

Ўзбекистон ва хорижлик олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар ШҲТда Россия ва ХХРнинг ўрни ҳамда унинг Марказий Осиё хавфсизлиги тизимидаги аҳамиятини ўрганишга қаратилган бўлиб, уларда ташкилотнинг бугунги халқаро муносабатлардаги аҳамияти, янги дунё тартиботини шакллантиришдаги иштироки, ташкилотда кечаётган жиддий ўзгаришлар, ички рақобат ва ҳамкорлик муаммолари ҳамда ШҲТнинг ривожланиш истиқболлари ва бунда Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари билан боғлиқ жиҳатлар етарлича ўрганилмаган.

Диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Замонавий халқаро муносабатлар ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – Ўзбекистон миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ШҲТнинг минтақавий ва глобал фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- ШҲТ мисолида халқаро ташкилотларнинг ўзгараётган халқаро муносабатларда тутган ўрни ва ролини назарий-концепутал ўрганиш;
- ташкилот ва унинг институционал асосларини, минтақавий ва глобал фаолиятини қиёсий таҳлил қилиш;
- ШҲТнинг Марказий Осиёдаги фаолиятини илмий ўрганиш орқали унинг минтақавий барқарорликни таъминлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришга қўрсатаётган таъсирини очиб бериш;
- ШҲТнинг “янги турдаги минтақавий ташкилот” сифатида бошқа халқаро тузилмалардан асосий фарқли жиҳатларини илмий асослаш;
- ташкилотнинг янги дунё тартиботини шакллантиришдаги ўрни ва ролини ўрганиш, бу борадаги асосий ютуқлари ва камчиликларини аниқлаш;
- ШҲТда кечаётган трансформация жараёнларини таҳлил қилиш ҳамда ташкилотнинг истиқболдаги ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонинг миллий манфаатларини илгари суришда ШҲТ имкониятларидан янада самарали фойдаланишга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини замонавий халқаро муносабатлар шароитида минтақавий ташкилотлар, хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг минтақавий ва глобал даражадаги фаолияти, унинг халқаро муносабатлар трансформацияси ва янги дунё тартиботининг шаклланишига қўшаётган ҳиссаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тузилмавий-функционал, тизимлаштириш, тарихийлик, кузатиш, қиёсийлик, таҳлил ва синтез, контент-таҳлил, институционал, SWOT-таҳлил, кузатув ва бошқа илмий-тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- ШҲТнинг кўп қутбли халқаро муносабатлар тизимини ва янги дунё тартиботини шакллантиришдаги ролини “ШҲТ плюс” янги шериклик форматини жорий қилиш ҳамда глобал ва минтақавий даражадаги йирик мамлакатлар ҳамда халқаро тузилмалар билан долзарб муаммолар юзасидан доимий мулоқот механизмини шакллантириш асосланган;
- тузилманинг глобал мақомини ошириш ҳамда ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида юзага келадиган баҳсларнинг олдини олиш ва ҳал этишда ШҲТнинг превентив дипломатия бўйича махсус вакилини тайинлашни жорий қилиш, ШҲТ ва БМТ ўртасида маслаҳатлашувлар форматини йўлга қўйиш механизми асосланган;
- жаҳон сиёсий майдонида етакчи тузилмалардан бирига айланиб бораётган ШҲТнинг сиёсий платформасидан Марказий Осиёнинг транспорт-транзит салоҳиятидан кенг фойдаланиш ва шу мақсадда ташкилотнинг транспорт соҳасида ўзаро боғлиқликни кучайтиришга қаратилган концепутал ҳужжатни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган; мамлакатимизнинг ташкилотдаги фаолиятини янада чуқурлаштириш ва аъзо давлатлар билан кенг қамровли ҳамкорлигини ривожлантиришга йўналтирилган узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;
- ШҲТнинг истиқболдаги ривожланишининг учта - “стагнация”, “ижобий рақобатга асосланган ҳамкорлик” ва “Евроосиёда янги дунё тартиботини шакллатиришда иштирок этувчи куч” сценарийлари башорат қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- ўзгараётган халқаро муносабатлар ва янги дунё тартиботининг шаклланиш жараёнларида ШҲТ иштирокининг ўзига хос жиҳатлари, эришган ютуқлари ва мавжуд камчиликлари аниқланган;
- ташкилотнинг замонавий глобал бошқарув тизимида самарали иштирок этишига халақит қилаётган тўсиқлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар келтирилган;
- тузилмадаги ички вазият, унинг атрофида кечаётган минтақавий ва халқаро жараёнларни қиёсий таҳлил қилиш орқали ШҲТнинг келгусида ривожланишининг эҳтимолий учта сценарийси башорат қилинган;
- ташкилотнинг халқаро таъсирини ва нуфузини янада ошириш мақсадида “ШҲТнинг Эзгу ният элчиси” тўғрисидаги Низоми лойиҳаси тайёрланган ва ва ушбу институт фаолиятини “Шанхай руҳи” тамойилларини кенг тарғиб қилишга йўналтириш ишлаб чиқилган;
- Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ШҲТнинг ҳозирги ва истиқболдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашда фаол иштирок этишни назарда тутувчи махсус концепутал ҳужжат ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мазкур тадқиқотда фойдаланилган барча маълумотларнинг расмий ташкилотлардан олингани, ШҲТ фаолияти бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ШҲТ ва

манфаатдор ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиб, амалиётга жорий қилингани; назарий-амалий йўналишдаги таклифлар ва тавсиялар халқаро даражада ташкил этилган саммитларда ижобий қабул қилингани; ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойилларига ҳамда ШҲТ стратегик мақсадларига хизмат қилиши; мавзуга оид 200 га яқин илмий-назарий адабиётлар ва манбалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган услубий аҳамиятга молик таклифлар ва тавсияларнинг халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг замонавий халқаро муносабатларда тутган роли ва ўрнини ўрганиш ва таҳлил қилишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ), Президент ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва бошқа мутасадди давлат ташкилотлари ва “ақл марказлари”нинг мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар билан, хусусан, ШҲТ билан ҳамкорлигини ривожлантиришга тааллуқли концептуал, дастурий ва таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларидан ШҲТ Котибияти, Аксилтеррорчилик маркази Ижроқўми ва ШҲТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси марказининг фаолияти доирасида, шунингдек Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон миллий университети ва бошқа олий таълим муассасаларида мавзуга доир илмий тадқиқотларни, маъруза ва амалий машғулотларни олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ШҲТ фаолиятини Ўзбекистон миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

- ШҲТнинг кўп қутбли халқаро муносабатлар тизимини ва янги дунё тартиботини шакллантиришдаги ролини оширишга доир илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг ШҲТ Форумининг XV йиғилиши (20.09.2020 й.), ташкилотнинг видеоанжуман шаклида ўтган Саммитида (10.11.2020 й.), онлайн шаклда ташкил этилган “ШҲТ Давлат раҳбарлари йиғилишининг асосий натижалари” мавзусидаги халқаро тадбирнинг (17.11.2020 й.) материалларини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2021 йил 5 майдаги 10-сон маълумотномаси). Мазкур хулоса Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг ШҲТ ва Ўзбекистоннинг ушбу тузилма билан ҳамкорлик истиқболларини белгилашга қаратилган таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда қўллаш имконини берган;

- тузилманинг глобал мақомини ошириш ҳамда унга аъзо давлатлар ўртасида юзага келадиган баҳсларнинг олдини олиш ва ҳал этишда превентив дипломатия воситаларини қўллашга доир илмий асосланган хулоса

Ўзбекистон Республикаси ТИВ Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази томонидан тегишли таҳлилий ҳужжатни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ТИВ Марказининг 2021 йил 17 июндаги 01/80-сон маълумотномаси). Бу таклиф "ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида юзага келадиган баҳсларнинг олдини олиш ва ҳал этиш" Концепцияси лойиҳасини тайёрлаш имконини берган;

- ШҲТдан Марказий Осиёнинг транспорт-транзит салоҳиятини самарали рўйёбга чиқариш платформаси сифатида фойдаланиш, унинг ривожланиш сценарийларига доир башоратлар ҳамда Ўзбекистоннинг ташкилот билан кенг қамровли фаолиятини чуқурлаштиришга қаратилган илмий асосланган тавсиялар ШҲТнинг Бишкек шаҳрида (14.06.2019 й.) ва видеоконференция шаклида бўлиб ўтган (10.11.2020 й.) Саммитларида Ўзбекистон Республикаси ташаббусларини ишлаб чиқишда ҳамда тегишли "Йўл хариталари"ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил 25 июлдаги 15/27577-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлардан фойдаланиш, хусусан, ШҲТнинг транспорт-коммуникация соҳасидаги ўзаро боғликликни ривожлантиришга йўналтирилган концепутал ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзусига оид жами 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (шу жумладан, хорижий импакт-факторга эга журналда 3 та, миллий журналларда 3 та) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши Кириш, уч боб, тўққиз параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар ва қисқартмаларни ўз ичига олган, 127 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, диссертациянинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

"**Замонавий халқаро муносабатлар трансформациясида минтақавий ташкилотларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик жиҳатлари"** деб номланган **биринчи боб**да ўзгараётган халқаро муносабатлар шароитида халқаро ва минтақавий ташқилотларнинг тутган ўрни ва роли,

шунингдек, ШҲТ фаолиятига оид хорижий ва ўзбекистонлик етакчи олимларнинг илмий ва таҳлилий ишлари таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг **“Ўзгараётган халқаро муносабатлар ва янги дунё тартиботининг шаклланиш масалалари”** деб номланган биринчи параграфида халқаро муносабатларнинг давом этаётган трансформацияси хусусиятлари, хусусан, янги дунё тартиботининг шаклланиш муаммолари халқаро муносабатлар фанидаги етакчи назарий мактаблар – реализм (Г.Моргентау, Э.Карр, Дж.Кеннан), неореализм (Б. Бузан, К. Уолтц, Г.Киссинджер, Дж. Миршаймер, Г.Аллисон, Ф.Закирия), неолиберализм (Р.Кохейн, Дж.Най, Ф.Фукуяма,), конструктивизм (А.Вендт), “халқаро режимлар” (С.Краснер), “демократик дунё” (М. Дойль, Б. Рассет) вакиллари, шунингдек хитойлик (Чжао Хуашэнь, Сюэву Го, Суйшэн Чжао) ва россиялик (А.Арбатов, А.Цыганков, Ф.Лукьянов, Я.Лексютина, А.И.Никитин, Т.Бордачёв) етакчи олимларнинг ёндашувларидан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинган.

1980-йилларнинг охирида “Совуқ уруш” якунлангач, жаҳонда АҚШ қудратининг яққол устунлигига қарамасдан, якка қутбли дунё тартиботи тўлиқ ўрнатилмади. Кейинги йилларда мазкур давлат қудратининг сўниб бориши ва бунинг натижасида дунёнинг кўп қутблилик томон ҳаракатланиши - замонавий халқаро муносабатлар трансформациясини белгилаб бераётган энг муҳим тенденция. Шунга қарамасдан, диссертант фикрича, АҚШ яқин орада дунёда ҳукмронлик позициясини йўқотаётганини тан олмасликка, аксинча, уни сақлаб қолишга янада кучлироқ интилади. Натижада, амалдаги халқаро “ўйин қоидалари”ни тан олмасликка, ҳатто уларни ўзгартиришга ҳаракат қилаётган ҳамда Ғарбда “ревизионистлар” деб баҳоланаётган Хитой ва Россиянинг АҚШ билан ўзаро зиддиятларининг янада кескинлашуви кутилмоқда. Демак, бўлажак дунё тартиботи қандай шаклда – янги “икки қутбли” (АҚШ-Хитой) ёки кўп қутбли - бўлиши ҳозирча очиқ қолмоқда. Ушбу жумбоқнинг истиқболда қандай кўриниш олиши дунё тартиботининг муҳим “устунлари” - халқаро ва минтақавий институтларнинг кейинги ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатиши аниқ. Яъни, бу ерда “эски” (Ғарб етакчилигида тузилган) ва “янги” (Хитой, Россия ва бошқа янги “куч марказлари” иштирокида яратилган) халқаро ва минтақавий ташкилотлар ўртасидаги мутаносиблик истиқболда қандай тус олиши ҳам назарда тутилмоқда.

Биринчи бобнинг **“Халқаро муносабатлар трансформацияси шароитида минтақавий ташкилотлар тадқиқотига доир илмий-назарий ёндошувлар”** номли иккинчи параграфида минтақавий ташкилотлар ва институтларнинг ўзгараётган глобал бошқарув тизимидаги аҳамиятини ўрганиш бўйича назарий қарашлар ва ёндошувлар кўриб чиқилган. Илмий адабиётлар ва таҳлилий тадқиқотларда II жаҳон урушидан кейин АҚШ раҳнамолигида шакллантирилган универсал халқаро ташкилотлар (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва унинг ихтисослашган муассасалари, Бреттон-Вудс институтлари ва бошқалар) “эски” дунё тартиботи тамойиллари ва қоидаларини шакллантиришда ва ҳаётга татбиқ қилишда асосий механизмлар

бўлиб хизмат қилган бўлса, бугунга келиб улар яратган “ўйин қоидалари”, шу жумладан, халқаро ҳуқуқ нормалари, йирик давлатлар, айниқса АҚШ, шунингдек бошқа кучли мамлакатлар томонидан бузилмоқда ёки шубҳа остига қўйилмоқда. Қисман шу сабабли минтақавий ташкилотлар ва бошқа минтақавий ҳамкорлик форматларининг янги глобал бошқарув тизимини шакллантиришдаги аҳамияти ортиб бормоқда. Яъни янги турдаги минтақавий институтлар (шу жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти) давлатлараро муносабатлар тизимига янги меъёрлар ва тамойилларни (масалан, ШҲТ мисолида “шанхай руҳи”, “уч ёвузликка қарши кураш” концепциялари) татбиқ этмоқда.

Диссертант минтақавий ташкилотларнинг замонавий халқаро муносабатларга таъсирини асосан “минтақавийлик” назариялари (Б.Хеттне, Ф.Сёдербаум, Л.Фосет, М.Тело, М.Шульц, И.Ожендаль, К.Гупта ва бошқа олимлар) доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бугунга келиб ушбу назария мактабининг кўплаб йўналишлари мавжуд.

Дастлаб минтақавий ташкилотлар II жаҳон урушидан кейин Ғарбий Европада юзага келганлиги, 1980-йилларга қадар уларнинг моҳияти асосан федерализм (А.Спинелли), функционализм (Д.Миттрани), неофункционализм (Э.Хаас, Ф. Шмиттер, А. Этциони), трансакционализм (К.Дойчнинг “хавфсизлик ҳамжамияти”) каби европацентристик назариялар доирасида ўрганилган. “Совуқ уруш”нинг тугаши минтақалар даражасидаги ҳамкорликка бўлган интилишларни кучайтириб, минтақавий ташкилотларнинг кўпайишига жиддий туртки бўлди. Бу даврда Ғарбдан ташқарида юзага келган минтақавий тузилмаларни айрим ғарблик олимлар асосан Европа Иттифоқи билан қиёслаган ҳолда, уларни “муваффақиятсиз” деб баҳолашган. Аслида эса уларнинг ёндошувларида ҳар бир минтақа ривожланишининг ўзига хослиги ва шарт-шароитлари инобатга олинмаган. Бундай назариялар кейинчалик илмий адабиётларда “эски” минтақавийлик деб атала бошланган.

Назарий жиҳатдан бу муаммо илк бор 1980-йилларда швециялик олимлар Б.Хеттне ва Ф.Сёдербаум томонидан батафсил ўрганилган бўлиб, айнан улар *“янги минтақавийлик”* концепциясининг асосчилари ҳисобланишади. Ҳозирда илмий адабиётларда янги минтақавийликнинг турли назарияларини (“қиёсий минтақавийлик”, “минтақалар дунёси”, “Осиё минтақавийлиги”, “қаттиқ минтақавийлик”, “юмшоқ минтақавийлик”, “ҳимояланувчи минтақавийлик”, “авторитар минтақавийлик” ва бошқа) учратиш мумкин.

Турли назариялар ўртасидаги баҳс-мунозаралардан қатъий назар, кейинги даврда минтақавий ташкилотлар ва институтлар замонавий халқаро муносабатлар трансформациясининг муҳим омили сифатида тан олинмоқда. Ушбу омил моҳиятан қуйидагиларда ўз ифодасини топади: *биринчидан*, минтақавий ташкилотлар глобал иқтисодиёт ва сиёсат кун тартибини белгилашда ва уни ҳаётга татбиқ этишда бевосита иштирок этмоқда; *иккинчидан*, янги турдаги минтақавий ташкилотлар ва институтлар (АСЕАН, ШҲТ, БРИКС каби) янги дунё тартиботини шакллантиришда фаол иштирок

этиб, халқаро муносабатларда кўп қутблиликка асосланган тизимнинг мустаҳкамланишига муҳим ҳисса қўшмоқда; *учинчидан*, улар муайян минтақа доирасида сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларида ҳамкорликни кучайтириш, умумий таҳдидларга қарши кураш орқали глобал барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу бобда "**ШҲТни ўрганишга доир назарий-концепутал ёндошувлар таҳлили**" номли учинчи параграф ташкилотни илмий ўрганишга доир Ғарб мамлакатлари, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Марказий Осиё давлатларининг ҳамда ўзбекистонлик олимларнинг мавзуга оид назарий-методологик ёндошувлари ва қарашларини батафсил ўрганишга бағишланган. Шуни таъкидлаш жоизки, ғарблик сиёсатшуносларнинг аксарияти ШҲТни геосиёсий (А.Коэн, С.Блэнк, М.Фредхольм, М.Лубина) ва норматив (Р. Аллисон, С.Арис) ёндошувлар доирасида ўрганиб, ШҲТ – бу Хитой ва Россия "ғамхўрлигида" Марказий Осиёда геосиёсий ҳукмронлик учун тузилган, "демократия ва инсон ҳуқуқларига қарши турувчи" ва "авторитар сиёсий режимларни ҳимоя қилувчи" тузилма сифатида талқин қилишади.

Россия (А.В. Лукин, Д.В.Гордиенко, Ю.А.Никитина, Д.А.Борисов, Е.Колдунова, А.В.Кортунов, С.Г.Лузянин, Е.И.Сафронова, Ю.В.Кулинцев, А.Г.Ларин, Т.Ф.Борд ачев), Хитой (Пан Гуань, Чжао Хуашень, Пан Дапэнь, Ван Сяоцуань), Покистон (Р.Зеб, З.Али Хан, С.Рауф, Х.Т.Акрам) ва Марказий Осиё (Р.Алимов), М.Иманалиев, А.Каукенова ва бошқа) сиёсатшунослик мактабларининг ШҲТга доир илмий-таҳлилий изланишлари ўзининг ижобийлиги билан ғарблик олимларникидан фарқ қилади. Уларда ташкилотнинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси алоҳида таъкидланиб, истиқболда Евроосиёда янги дунё тартиботини шакллантиришдаги имкониятлари ўрганилган. Шу билан бирга, кейинги пайтларда россиялик, хитойлик ва ҳиндистонлик олимларнинг ёндошувларида айрим янги жиҳатларни кўриш мумкин. Хусусан, С.Караганов, А..Кортунов, С.Лузянин, А.Лукин, Т.Бордачев каби россиялик таниқли экспертлар, "евроосиёчилик" назариясига таяниб, ШҲТни расмий Москва томонидан илгари сурилаётган "Катта Евроосиё" концепциясини амалга ошириш механизмларидан бири деб билишади. Ўз навбатида хитойлик олимлар ШҲТни *"халқаро муносабатларнинг янги модели"*нинг намунаси ва кўп қутбли дунёни шакллантиришга қаратилган ташкилот эканлигини асослашга уринади. Ҳиндистонлик экспертлар (П.Стобдан ва бошқа) орасида эса мазкур ташкилотга нисбатан "Хитой ташқи сиёсатининг воситаси" сифатида қарашлар кучаймоқда.

Ўзбекистонда ҳам ШҲТни ўрганишга оид қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, уларда мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан алоқалари, хусусан, иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамда транспорт соҳасидаги ҳамкорлик масалалари ўрганилган.[8] ШҲТнинг Марказий Осиёдаги геосиёсий

---

[8] Бекмуратов И.Н. Перспективы развития ШОС: взгляд из Узбекистана // Вестник Челябинского государственного университета. 2011. № 21. Вып. 11. С. 11-16.; Пулатов Р.А., Ражабов А.И. Сотрудничество республики Узбекистан и ШОС в борьбе с религиозным экстремизмом и международным терроризмом // Современные научные исследования и

жараёнлардаги ва минтақавий хавфсизликни таъминлашги тутган ўрни А.Ходжаев, Ф.Толипов, В.Парамонов, Р.Алимов, И.Бекмуратов, М.Шарипов, А.Мухамеджанов, М.Рахимов, С.Рахимов асарларида ва бошқаларнинг илмий изланишларида ёритилган.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий-таҳлилий изланишларида ШҲТнинг дунё тартиботини шакллантиришдаги роли, янги турдаги ташкилот сифатида глобал ва минтақавий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, ютуқлари ва муаммолари, аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва ушбу муносабатларнинг тузилма ичидаги вазиятга таъсири, ШҲТнинг истиқболдаги ривожланиш сценарийлари каби масалалар Ўзбекистон миллий манфаатлари нуқтаи-назаридан ўрганилмаган.

Диссертациянинг **“ШҲТнинг минтақавий ва глобал сиёсатда тутган ўрни ва аҳамияти”** деб номланган **иккинчи бобида** Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиёда стратегик барқарорлик ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек кўп қутблиликка асосланган халқаро муносабатларнинг шаклланиш жараёнларидаги иштироки, бу борадаги ютуқ ва муаммолари, тузилма илгари сураётган давлатлараро ҳамкорликнинг янги норма ва тамойиллари кенг таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг **“Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳамкорликни таъминлашда ШҲТ омили”** деб номланган биринчи параграфида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг минтақавий жараёнларга, айниқса, хавфсизлик масалаларига жиддий таъсир кўрсатиб келаётган тузилма эканлиги асослаб берилган. Таъкидлаш жоизки, кўплаб илмий-таҳлилий тадқиқотларда ШҲТга нисбатан хавфсизлик тузилмаси сифатида ёндошиш устунлик қилади. Лекин, диссертантнинг фикрича, унинг Марказий Осиёда тутган ўрни хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш масалалари билан чекланиб қолмайди. Хусусан, мазкур тузилма минтақада у ёки бу йирик ташқи куч марказининг яққол геосиёсий ҳукмронлигининг ўрнатилишга йўл қўймади ҳамда шу орқали Марказий Осиёда стратегик мувозанатни таъминлаб берди. Шу билан бирга, Россия ва Хитойнинг минтақадаги рақобатчи манфаатларини мутаносиблаштириш орқали уларнинг конструктив ҳамкорлигини таъминлаб келмоқда. Бундан ташқари, ШҲТда Хитой омили Марказий Осиё давлатлари учун ташқи сиёсатда Россиядан эркинроқ ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтирди. Қолаверса, ШҲТ минтақа давлатларини XXI аср бошларида постсовет маконида айрим Ғарб давлатларининг “ғамхўрлигида” авж олган “рангли инқилоблар”дан ҳимоялашга ҳам муайян даражада хизмат қилди. Шунингдек, ташкилот сиёсий ва халқаро майдондаги нуфузининг кучайиши таъсирида минтақада ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва иқтисодий ривожланиш учун тегишли имкониятларни кенгайтирди, деб таъкидлаш ўринли.

инновации. 2018. № 2. С. 46.; Мамаева М.Э., Шермухамедов О.А. Торгово-экономическое сотрудничество ШОС как механизм укрепления всеобщей безопасности.- статья. // Международная научно-практическая конференция «IV Манякинские Чтения: Проблемы и обеспечения национальной безопасности: прошлое, настоящие, будущее» (70-летие Победы и 70-летие окончания Второй Мировой Войны посвящается). Омский институт (Филиал) ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова», Апрель 2-3, 2015г.; Расулев А.Ф. Перспективы социально-экономического сотрудничества стран — членов ШОС в условиях глобализации. // Журнал “Экономика региона” №4/2012. С.: 202-208.

Шу билан бирга, ШҲТнинг Марказий Осиёдаги “барқарорлаштирувчи” ролини тан олган ҳолда, унинг фаолияти минтақа республикалари учун фақат ижобий жиҳатлардан иборат бўлди, деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд эмас. Хусусан, РФ ва ХХР мазкур механизмдан ўзининг минтақадаги мавқеларини мустаҳкамлашда фойдаланиб келди. Шунингдек, ШҲТ платформаси билвосита Марказий Осиёда йирик ташқи кучлар иштирокисиз “соф минтақавий интеграция”ни институционаллаштириш имкониятларининг сусайишига олиб келган, деб хулоса қилиш мумкин.

Иккинчи бобнинг **“ШҲТнинг “янги минтақавийлик” модели сифатида халқаро муносабатлардаги аҳамияти”** деб номланувчи иккинчи параграфида мазкур тузилманинг бошқалардан, айниқса, Ғарбда фаолият кўрсатувчи минтақавий ташкилотлардан фарқ қилувчи жиҳатлари ва уларнинг концептуал асослари таҳлил қилинган.

Диссертант фикрича, ШҲТни “янги минтақавийлик” (new regionalism) назарияси доирасида ўрганишни мақсадга мувофиқ. Сабаби – бу ташкилот умуман янги геосиёсий, иқтисодий ва цивилизациявий шарт-шароитлар доирасида қарор топган ва фаолият юритмоқда. Буни, авваламбор, унинг ғоявий асоси - “шанхай руҳини”нинг моҳиятида кўриш мумкин. “Шанхай руҳи”нинг тамойиллари (“ўзаро ишонч”, “ўзаро манфаат”, “тенглик”, “ўзаро маслаҳатлашувлар”, “маданиятлар хилма-хиллигига нисбатан ҳурмат”, “биргаликда ривожланишга интилиш”) – ХХ аср охиридан эътиборан давом этаётган халқаро муносабатлар трансформациясини ўзида ифода этади. Бу, энг аввало, дастлаб глобал сиёсатда, кейинчалик иқтисодий соҳада ХХР позицияларининг кучайиб бориши ва унинг якка қутбли дунё тартиботига нисбатан муқобил, янги турдаги халқаро муносабатлар тизимини жорий этишга бўлган интилишининг инъикоси, дейиш мумкин. Хитой ва Россия учун ШҲТ кўп қутблиликка асосланган янги дунё тартиботини шакллантиришнинг энг муҳим воситалари қаторида эканлиги шубҳасиздир.

Муаллифга кўра, ШҲТ ўз геосиёсий моҳиятидан қатъий назар, Марказий Осиё минтақасининг халқаро муносабатлардаги нуфузи ва аҳамиятининг ошишига хизмат қилиб келмоқда. Масалан, минтақа мамлакатлари мустақиллигининг илк даврида улар Россия томонидан “яқин хориж” деб қаралган. ШҲТ уларнинг РФ таъсир доирасидан бутунлай йироқлашмасада, анча узоқлашишига ёрдам берди. Натижада, Марказий Осиё давлатлари бугун халқаро ҳамжамият томонидан “постсовет республикалари” эмас, балки Евроосиёдаги жараёнларнинг муҳим иштирокчилари сифатида қабул қилинмоқда. Қолаверса, Марказий Осиё мамлакатлари гарчи “кичик шериклар” деб талқин этилсада, шунга қарамасдан, ташкилот доирасида тенг мақомга эга. Шу жиҳатдан ШҲТ уларнинг халқаро тизимга интеграциялашувига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда.

Янги турдаги минтақавий ташкилот сифатида ШҲТ халқаро майдонда “маданиятлар хилма-хиллигига нисбатан ҳурмат”, “биргаликда ривожланишга интилиш” тамойилларини илгари суриб келмоқда. Унинг таркибига бугун мусулмон, ҳинд, христиан ва конфуцийлик цивилизациялари вакиллари бўлган мамлакатлар кирган бўлиб, сиёсий, иқтисодий ва маданий

тафовутларга қарамасдан, уларнинг ШҲТдек янги турдаги ташкилотни туза олганлиги замонавий халқаро муносабатлар учун муҳим воқеълик бўлди. Бу жоиз бўлса, америкалик таниқли олим С.Хантингтон яратган “цивилизациялар тўқнашуви” концепциясига жиддий зарба бўлди. Бундан ташқари, муайян камчиликларга ва муваффақиятсизликларга қарамасдан, ШҲТ “очиқ турдаги минтақавийлик” моделини, яъни кўптомонлама (масалан, Марказий Осиёда), минтақалараро (Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида) ва трансминтақавий (Евроосиё субминтақалари ўртасида) ҳамкорликнинг кенгайишига ҳисса қўшиб келмоқда. Умуман, ШҲТ янги “меъёрлар”, “ўйин қоидалари”ни ҳамда кўп томонлама ҳамкорлик борасида янги форматларни ишлаб чиқиб, уларни озми-кўпми Евроосиёда муайян даражада амалиётга татбиқ этмоқда.

“ШҲТ ва янги дунё тартиботининг шаклланиши: имкониятлар ва тўсиқлар” деб номланган учинчи параграфда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг кўп қутбли халқаро муносабатлар тизимига қўшаётган ҳиссасининг ўзига хос жиҳатлари, бу борадаги мавжуд салоҳият ва унинг мос равишда рўйёбга чиқишига халақит бераётган омиллар ўрганилган.

